O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Majburiy bepul nusxa



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 8-oktyabr • № 41 (4076)

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси

## ДИЛИМИЗДЕК, НИЯТИМИЗДЕК ОҚ-ОППОҚ...

*Халқимизда рози-ризолик деган гап бор. Бунда ҳикмат кўп. Ота-онанинг фарзанддан розилиги, инсоннинг ҳаётдан розилиги...*

*Ҳаммамиз ҳам ота-онамизни рози қилайлик, уларнинг дуосини олайлик, деб яшаймиз. Шундай ният билан уйлар қурамиз, боғроғлар яратамиз. Улкан кашфиётлар, мумтоз асарлар, кўркам шаҳарлар шундай бино бўлган, она замин шундай яшарган.*

Бугун ям-яшил шаҳарга айланган Нукус кўчаларини айлансам, шу ўйлар хаёлимдан ўтади. Ҳаволи, шинам кўчалар, кўркам хиёбонлар, кўзни қувонтирадиган муаззам иморатлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ.

Гулзор бўйлаб арикда зилол сувнинг шилдираб оқиши ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бу шаҳар ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирида файзу тароватини йўқотиб, қақшаб ётгани ёдимда. Умуман, ўша йиллар оғир келди. "Ўзбеклар иши" деган уйдирма гаплар одамларнинг ёстиғини қуритди, уйини куйдирди. Бу кулфатлар эл-улуснинг қўлини ишдан совутди, ҳаётдан бездирди. Мамлакат жар ёқасига келиб қолган бурилиш нуқтасида вазиятни ўнглаб олиш осон эмас эди.

Буни билган билади, билмаган чўпчак айтиб ўтаверади. Президент Ислом Каримовнинг Қорақалпоқ заминига ташрифи шуни ёдимга солди. У кишининг катта инсоний меҳри, доимий эътибори ва ғамхўрлиги билан юртдошларимиз ғоят қисқа вақт ичида қаддини ростлаб олди,

**Ифтихор**

яратувчилик туйғуси яна дилларда жўш урди. Одамлар ҳаётга муҳаббатли бўлиб, она заминни яшнатишга киришди.

Бугун қаерга йўлинг тушмасин, ўзгаришни кўрасан. Обод кўчаларда кўнглинг нурга тўлади. Шу яшаришда улушинг борлигидан ғурурланасан. Шу элга, шу юртга хизмат қилаяпман, бир инсондай яшаяпман, деб ҳаётдан розо бўласан.

Бунинг барчаси учун биринчи муаллимдек бизга таълим бериб, нурли ва донғил йўлга бошлаб чиққан матонатли инсондан қарздормиз, албатта. Қорақалпоқ эли у кишидан куч олиб, киндик қони томган заминни боғу бўстонга айлантирмоқда.

Мен кеча давлатимиз раҳбари Республика майдонини, Жўқорғи Кенгеснинг янги биносини, ландшафт дизайни ва фавворалар улуғлик бағишлаб турган Бердақ ҳайкалини кўздан кечирар экан, бир олам қувонч туйганини кўрдим. Шу эл тинч, шу юрт обод бўлсин деб умрини бағишлаган зотгина мана шундай ҳиссиётни туйиши мумкин.

Ҳар ҳолда, оғир экологик вазият ҳукм сураётган Оролбўйида бундай меъморий ансамбллар, кўркам иншоотлар бунёд этиш ўз-ўзидан бўлмайди.

Давоми иккинчи саҳифада

## ЎЗ ЙЎЛИМНИ ИЗЛАЯПМАН




**Малика ЭГАМБЕРДИЕВА:** ***2010 йили «Ниҳол» мукофоти билан тақдирланган, «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Қалбимда Ватан мадҳи» республика кўрик-танловлари совриндори. Оммавий байрамларда қўшиқлари билан қатнашиб келмоқда... Мумтоз ва эстрада йўналишидаги кўплаб қўшиқлар ижрочиси. Айни пайтда Ўзбекистон давлат консерваториясида мақом бўйича таҳсил олаяпти.***

***1.Сиз ижод моҳиятини қандай тушунасиз?***

***2.Бугунги ижодий жараёнга муносабатингиз?***

***3.Ижодкорнинг жамиятдаги ўрни нима билан белгиланади? Бу жараёнда ўзингиз ва тенгқурларингизнинг иштирокини қандай баҳолайсиз?***

2

## НАВҚИРОН АВЛОД ДАВРАСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Адабиёт ва ёшлар" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди

Юртбошимизнинг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида адабиётимиз эртаси бўлган ёш ижодкорлар билан ишлаш, истеъдод соҳибларини топиш ва тарбиялаш, уларнинг ижодига муносиб баҳо бериш, устоз-шогирдлик анъаналарини ривожлантириш масалаларига алоҳида урғу берилгани, "Ижод" фондини ташкил этиш тўғрисидаги қарорда эса ижодий кўрик-танловларини ташкил этиш, иқтидорли ёш адибларнинг биринчи китоблари нашри кун тартибига қўйилгани барчамизга яхши маълум.

Ана шу вазифалар юзасидан Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди томонидан кўпгина

**Ёзувчилар уюшмасида**

ижодий-ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Уюшма қошида ёш ижодкорларнинг "Онажоним шеърият" тўгараги қизғин фаолият олиб бормоқда. Машғулотларда ёш қаламкашларнинг қўлёзмалари муҳокама этилмоқда. Энг иқтидорли ижодкорларнинг биринчи китоблари уюшма ижодий кенгашлари томонидан нашрга тавсия қилинаётир.

Хўш, ёш ижодкорлар ўзлари учун яратилаётган имкониятларга, юксак эътиборга жавобан қандай фаолият кўрсатишмоқда? Ижодкорнинг ижтимоий бурчини улар қандай тушунишади? Бугун улар қандай китобларни ўқияпти? Бой маданий меросимизни, жаҳон адабиёти дурдоналарини мутолаа қилишаяптими? Устоз адиблар, уюшманинг тажрибали аъзолари билан мулоқотлар қай даражада йўлга қўйилган?..

Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган давра суҳбатида шу ҳақда фикр юритилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосарлари Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо, уюшма масъул котиби Бобур Ғиёсов, адиблар Омон Мухтор, Эркин Самандар, Муҳаммад Али, Абдулла Аъзам, Шуҳрат Ризаев, Адҳамбек Алимбеков, ёш ижодкорлар Азизбек Анвар, Зулхумор Мирзаева бугунги ёшларнинг адабиётга муносабати, ёшлар китобхонлиги, устоз-шогирдлик анъаналари, ижодкорнинг Ватан ва элу юрт олдидаги бурчи ҳақида сўзладилар. Давра суҳбатида устоз адиблар Абдулла Қаҳҳор ва Озод Шарафиддинов сабоқлари, уларнинг ёш ижодкорларга меҳри ва талабчанлиги ҳақидаги хотиралар эсга олинди.

Тадбир сўнгида Ёзувчилар уюшмасининг ёш ижодкорлар билан ишлаш бўйича навбатдаги режалари муҳокама этилди.

## Халқаро театр кунлари



Ўтган ҳафта Ўзбекистон Ёшлар театрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Theatre. UZ/2010" биринчи халқаро театр фестивали очилди. Маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган мазкур тадбирда турли ижодий ташкилотлар, санъат ва маданият соҳаси вакиллари, театр ихлосмандлари иштирок этди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси саҳна санъатига доир ғоя ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб, иқтидорли ижодкорларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Жамғарма ташаббуси билан ижодий ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган "Theatre. UZ/2010" халқаро театр фестивали ана шундай тадбирлардан бири ҳисобланади.

Мазкур ижодий фестивалдан кўзланган асосий мақсад юртимиз ва хориж театрларининг илғор анъана ва ютуқлари билан санъат ихлосмандларини кенг таништириш, ўзаро фикр алмашиш учун имкониятлар яратишдан иборат. Тадбир давомида юртимиз ҳамда Россия, Украина, Исроил, Греция ва Италия театр ижодкорлари ҳамкорлигида спектакллар, театр рассомлари кўргазмаси, концерт ва мусиқа кечалари бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон санъат арбоби Наби Абдураҳмонов анжуман ҳақида шундай деди: "Бу фестивал нафақат биз учун, балки томошабинлар учун ҳам зарур. Чунки дунё мамлакатлари спектаклларини кўриш орқали таққослаш имкони пайдо бўлади ва бу ўз-ўзидан уларнинг дидига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, актёрларнинг ҳам томошабин олдидаги масъулияти ошади".

Шу кунгача "Сеҳрли узук" (Исроил ва Ёшлар театри ҳамкорлигида яратилган), "От ҳушини йўқотганда" (Франсуа Саган асари, Рус академик драма театри), "Хонума" (А. Цагарели асари, Муқимий номидаги мусиқий театри), "Дабдабали тўй" (Қрим-татар академик мусиқали-драма театри) ва "Аёлғу" (Ўзбек Миллий академик драма театри) спектакллари намойиш этилди. Миллий галереяда "Ижод учун туғилганлар" мавзуида сценографлар кўргазмаси очилди.

Шанба куни Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик катта театрида италиялик таниқли дирижёр Маурицио Чампи иштирокида "Италиянинг юлдузли осмони" гала-концерти бўлади.

Аброр МЕЛИБОЕВ

## ЎЗБЕКИСТОН

**Шеърий лаҳза**

**Тоғларда тонг отди. Шуъларанг титроқ —**
**Осмон чўққиларга боғланган елкан...**
**Ер юзида қанча юртлар бор, бироқ**
**Баридан барвақтроқ уйғонар ўлкам...**

**Қуёшни қумғонда қайнатган чўпон,**
**пиёласи ичра сузиб юрар ой —**
**Елкасига илиб булутдан чопон,**
**Боботоғ меҳмонга узатади чой.**

**Бахмал адирларда тунда тин ол... Кел!**
**Қўл чўзсанг юлдузлар сеники — турфа!**
**Баҳор беланчагин ўйнатади ел,**
**Қирлар болиш бўлар, лолазор кўрпа.**

**Болари бошида ташвишли дунё,**
**боғлардан бол терар, зарра йўқдир кек...**
**Тонгни қарши олар ризқ тутиб гўё**
**тиниб-тинчимаган беминнат ўзбек.**

**Жаҳон-ла бўйлашга етар журъатим,**
**Халқим юрагида дарёнинг сеҳри.**

**Ҳар зарра қумида замин қудрати,**
**Икки дарё ичра тошади меҳри.**

**Юртлар кўп жаҳонда чиройли, кўркам,**
**Ўйин-кулги билан яшар кўнгли тўқ.**
**Жаҳон қаҳқаҳаси жамланганда ҳам**
**Ўзбек аскиясин жарангича йўқ...**

**Дунё, кенглигингдан ўргилдим... Кездим!**
**Гоҳо кулгим қистар қилган ишимга.**
**Таътил тугамасдан соғинчни сездим —**
**Парижда қишлоғим кирди тушимга.**

**Сотмадим шон-шуҳрат излаб виждонни,**
**Нону туз ҳурмати заминга қасам...**
**Мендан хафа бўлманг, Ўзбекистонни**
**Ҳаммангиздан кўпроқ севаман десам...**

Қўчқор НОРҚОБИЛ

## "TashkentALE–2010" фотокўргазмаси

"Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми" жамғармаси, Бадиий академия, Тошкент фотосуратлар уйи томонидан ташкил этилган **"TashkentALE-2010"** 5-Халқаро Тошкент фото биенналеси маданий ҳаётимизда муҳим воқеалардан биридир. Асарлар Тошкент фотосуратлар уйи, Марказий кўргазмалар зали, Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси, Маданият ва санъат кўргазмалар зали, Санъат музейи, халқаро Маданият карвонсаройи залларида намойиш этилади. Экспозицияларга "Баркамол авлод йили"га бағишланган ҳамда ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши йўлида хизмат қилаётган жамиятлар, ёрқин шахслар, ёш истеъдодлар, уларнинг интилиш ва жасоратлари, ёшлар ҳаётидаги ёрқин лаҳзалар ҳақида ҳикоя қилувчи "Навқирон ва ёрқин", ҳужжатли жанрга хос "Инсон, анъаналар, яшаш муҳити", бадиий фотографиянинг янги кўринишларини акс эттирувчи, шакл ва тузилиши жиҳатидан авангард ҳисобланган " Тажриба қанотлари" каби туркум асарлар қўйилган.

Кўргазма қатнашчилари орасида фото санъати юксак ривожланган Япония, АҚШ, Буюк Британия, Россия, Миср, Бразилия, Туркия, Ҳиндистон, Озарбойжон каби йирик давлатларнинг вакиллари бор.

Биеннале доирасида бир неча шахсий кўргазмалар ҳамда Корея Маданият ва туризм вазирлиги ва Германия Гёте институти билан ҳамкорликда иккита халқаро лойиҳа асосида тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган.

Суннат ОСТОНОВ

***Ғиёс БОЙТОЕВ:***

## Қўшиқ — ҳаётимнинг маъноси




***Қўшиқ санъатида ўз йўлига эга бўлган, халқ меҳр-муҳаббатини қозониб, йилдан-йилга репертуарини бойитиб, мухлисларга тақдим этиб келаётган хонандалар оз эмас. Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғиёс Бойтоевнинг алоҳида ўрни бор. Бу хонанданинг қўшиқларини катта ёшдагилар ҳам, ёшлар ҳам бирдек севиб тинглайдилар.***

5

Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.



## КУНЧИҚАР ЮРТ КИНОСИ

Пойтахтимиздаги Киночилар уйида мамлакатимиздаги Япония элчихонаси, Япония жамғармаси, Ўзбекистон Чет эллар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши ҳамда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳамкорлигида замонавий япон киноси кунлари ўтказилди.

Тадбир давомида режиссёрлар Дайскэ Тэгананинг қадимий жанговар санъат — айкидо орқали инсон руҳининг қайта туғилиши ҳақидаги "Айки", Коки Митанининг анъанавий ва замонавий меъморчиликнинг уйғунлигига бағишланган "Ҳаммаси бизнинг уй ҳақида", Нобухиро Ямаситанинг бир мусиқий ансамблнинг шаклланиши ва муаммолари ҳақида ҳикоя қилувчи "Линда, Линда, Линда..." филмлари намойиш этилди.

Филмлар намойиши олдидан сўзга чиққанлар ўзбек ва япон кино ижодкорлари ўртасидаги дўстона алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётгани ҳақида гапирдилар. Жумладан, шу ойда Токиода бўлиб ўтадиган халқаро кинофестивалда Ўзбекистондан Ёлқин Тўйчиевнинг "Илова" филми қатнашади.

"Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси вазифасига яқинда тайинланган бўлишимга қарамай, ўзбек томошабинларининг самимиятини дарҳол ҳис қилдим, — дейди ўз сўзида Ёшихиса Курода. — Томоша залида ёшларнинг кўплигидан жуда мамнун бўлдим. Бинобарин, филмларимиз япон киноси ихлосмандларига, тилимиз, анъаналаримиз, маданиятимиз, санъатимизга қизиқувчи, япон турмуш тарзини чуқурроқ билишга интилувчи ёшларга мўлжалланган. Буларнинг бари кўп асрлардан буён бир-бирининг маданиятини бойитиб келаётган икки дўст мамлакат халқларини бирлаштиришга хизмат қилади".

Флора ФАХРУТДИНОВА

## БИЛДИРИШ

Шу йилнинг 13 октябр чоршанба куни соат 15.00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида (Ўзбекистон кўчаси, 16 а-уй, 6-қават. Тел: 245-98-19, 227-08-31) ёш ижодкорларнинг **"Онажоним — шеърият"** тўгарагининг навбатдаги машғулоти бўлади. Барча қизиққанлар таклиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ. тел: 233-08-34 Сайт: www.pochta.uz ; e-mail: oao@post.uz

Дилором ИСМОИЛОВА

# ОЙ ЮЗИДА ГУЛНИНГ СОЯСИ...



Кипригим сатрлар тўкиб беради,
Дарёлар юлдуз шеър эшитар тунда.
Гулсан денг. Гуллигинг билишади денг,
Эгнимда атиргул эрур кўйлагим.
Бармоқларим куйлар сочларингизда,
Кўнглингизга келар жуда бўйлагим.
Менга азизсан, денг, севимлисан денг,
Сиз-чун осмонлардан тушиб келаман.
Мен шунда энг яхши кўрган шеъримни
Сиз учун албатта айтиб бераман.
Гулсан денг...

## ОНАЖОНИМ

Сиз берган шу дилором кўзлар
Тўрт томонга нигор боққанда,
Йўқлигингиз билинди ғоят
Юрагимга қорлар ёққанда,
Онажоним, онажонгинам,
Тирик юринг экан бахтимга.
Агар ҳаёт бўлсангиз эди
Кўтарардим бошим — тахтимга.
Ойни олиб берардим сизга,
Қўшиқ айтиб берардим ё шеър.
Менга сиздек бўлолмади-ку
Сиздан кўра севганим шу эр.
Соғинганда соғинчим — дарё,
Қирғоғига тошиб сиғмайди.
Сизни қандай соғинганимни
Онаси бор асло билмайди.

* * *

Жуда гўзалсан, денг, чиройлисан, денг
Ой қадар баландлаб кетаман шунда.

## ТУҒИЛГАН КУНИМДА

Қуёш кўтарилди кўшкига хондай,
Кўздан ниҳон бўлди пари юлдузлар.
Қанотлари билан силаган эди,
Капалаклар учун ёнди кундузлар.
Зумрад боғлар каби яшилланди ўй,
Чигиртка сайради димоғи чоғдай.
Ой юзида гулнинг сояси экан,
Менга кўринганди гўёки доғдай.
Азиз кун, висолинг шунчалар гўзал,
Пешонангдан ўпдим қуш терган дондай.
Кўздан ниҳон бўлди пари юлдузлар,
Қуёш кўтарилди кўшкига хондай.

* * *

Шамолнинг лаблари ёрилган,
Энди сўз эшитмак маҳолдир.
Тераклар учини қучоқлаб —
Тургани сирми ё саволдир.
Хазондек учади хаёллар
Кузакнинг бир илиқ кунида.
Қизариб-қизариб ботади
Қуёш ҳам севгининг хунида.
Юмушимдан маъно топмадим,
Маҳзунлик танобин чеккайман.
Нега қил сиғмади дилимга десам,
Кўзингни соғинган эканман.

Бобомурод ЭРАЛИ

# Оҳиста одимлар куз келинчаги

* * *

Ойдинлик. Уфқдан кўтарилган ой,
Ғаройиб ҳол ичра борлиқ, мавжудот.
Юлдузлар қўнади ўт-ўланларга,
Турфа капалаклар чиқарар қанот.

Дарахтзор соясин тўшайди ерга,
Йўлга чиқаётган ҳашаротлар жим.
Тунда жонзотларни ҳайратлантириб,
Сувлоққа нур ёғар, нур ёғар сим-сим.

Учмоққа шайланган руҳ кўтарилмас,
Сукунат залвори эзар, парчалар.
Шамол олиб келар ялпизлар ҳидин,
Тунга қараб очиқ турар дарчалар.

Сукунатнинг чалган сибизғасида
На куй бор, на оҳанг, на бирон садо.
Шу боғнинг қўйнида куз келинчаги
Оҳиста одимлар мисли шаббода.

* * *

Хаёл ипларини чувалтирар ел,
Лоқайд ва бепарво мудрайди боғлар.
Ҳатто чирилдоқлар зерикканидан,
Ўзларин бу кеча парвозга чоғлар.

Шамол пуфлар ҳадеб ёнаркуртларни,
Жидду жаҳд кўрсатар, барибир ёнмас.
Қулоқ тут, тун аро жаранглаб ётар, —
Руҳим сенга чинни пиёла эмас!

Дошқозон осилган. Ой нури тўла,
Ҳали бу оламга тошиб чиқар сут.
Гўё йўқотгандай хотирасини,
Кўкка аграяди бужур-бужур тут.

Қилт этмас чор-атроф. Шитирламас боғ,
Дарахтлар сўппайган. Ҳеч ким кўринмас.
Туннинг пардасини тортқилар шамол,
Ҳориб чарчагани асло билинмас.

* * *

Ойнинг ёғдусига кўмилмиш дунё,
Япроқлар қайиқдек сузар узоққа.
Муаллақ бўшлиқда тош қотган ҳаво,
Овчидек ўлжасин ҳайдаб тузоққа.

Бу жимлик остида ноиложликдан
Митти ниначилар визиллай олмас.
Нафас ют, ўт-ўлан бағрида ётган
Қурту қумурсқалар ҳали қўзғалмас.

Сайҳонлик ортига бурилган сўқмоқ,
Сой ҳам аллақайда шовуллай билмас.
Тунга сингиб борар, эсингдан чиқар,
Ёввойи бутазор ифори келмас.

Сокинлик. Ўзлигин қилмас намойиш,
Борлиқда тентираб юрган жонзотлар.
Ҳар дам сағрисига уриб ёлини,
Хаёлга чўмганча кишнамас отлар.

* * *

Қанча юлдуз сўнар, йилт этиб учар,
Осуда дунёнинг парвойи фалак.

Яна пайдо бўлиб, асло камаймас,
Яна осмон бўйлаб ёйилар лак-лак.

Оламда ҳукмрон осойишталик,
Гар танга ташласанг кетар жаранглаб.
Юрак тарс ёрилиб кетгудай бу вақт, —
Сен ҳам ўз ҳужрангда жимликка қараб.

Кўланка чўзилар ерни бағирлаб,
Қилт этган овоз йўқ, елни елдирмас.
Тун аро ғимирлар, гоҳида тўхтар,
Дур териб юргандай ўзин билдирмас.

Сомон йўлларидан то тонгга қадар
Пойингга тўкилар юлдузлар чангиб.
Чўлп этган товушу акс садо ҳам
Шу жимлик бағрида йўқолар сингиб.

* * *

Сувда оқиб борар қанча хотира,
Ғира-ширалиқда билинмайди йўл.
Қотиб тураверар тонг-саҳаргача
Дарахтлар осмонга узатганча қўл.

Тиканзор хўрпаяр қош қорайганда,
Олмазор шовқину сурондан бўшар.
Сукунатнинг таранг торига тегиб,
Олмалар тўпиллаб тагига тушар.



Кўнгилдан не кечса, кечар бу маҳал,
Майлига ўй сурсанг сургин беадоғ.
Хаёлдан кетмайди аллавақтгача
Ухлаган шамолу сукунат, чорбоғ.

Бундай ойдинликни ким кўрган айтсин,
Дилларни ёрита бошлар, ҳойнаҳой.
Йўқотиб қўйганин излаб топгандек,
Яна чангалзорга тушиб кетар ой.






Ҳикоя

Ярим соатча олдин баҳор ёмғири тошлар юзини ювиб ўтган. Қуюқ ўтлоқдаги майсалар баргида ёмғирнинг маржон-маржон зарралари йилтираб турибди. Эрталабдан бери қўрада қамалиб, очиққан қўй-эчкилар яйловга ёйилиб кетди. Кўкатлар нам бўлгани учун бобом билан катта харсанг устига чиқиб, уларни кузатяпмиз. Тепамизда — жуда баландда улкан бургут кичик нуқтага айланиб, қанот қоқмай учади.

Бобом ҳадеб тепага тикилаверганидан бўйни толиб кетди, шекилли, қўлларини бошининг орқасига қўйиб, ясси харсанг устига чалқанча ётиб олди. У Мағрурга қараган пайти ҳатто киприк ҳам қоқмайди. Мағрур — бу бизнинг тоғларда яшайдиган катта она бургутнинг номи. У энди учишни ўрганиб, осмонда кўрина бошлаган пайтлари бобом шундай ном берган, кейинчалик бошқалар ҳам уни шундай деб атайдиган бўлишибди. Чунки, Мағрур чиндан-да навқирон, ёвқур, тоғларнинг ҳақиқий ҳукмдорига айланган экан-да.

— Қара, ўз сарҳадларини ҳимоя қиляпти, — деди бобом бургутдан кўз узмай ётаркан.

— Нима? — дедим бобом тарафга ўгирилиб.

— Бургутни айтаяпман. Осмондан туриб, уйини қўриқлаяпти.

Бобом бир пас сукут сақлаб яна давом этди.

— Мағрур болалаган бўлиши керак. Шунинг учун сергак. Одамлар ўзларича у ҳақда қўрқинчли гапларни тўқиб ташлаган. Аслида, у жуда беозор қуш. Лекин болаларини ҳаммадан қизғанади...

Бобомнинг бургутлар ҳақидаги ҳикояларини кўп эшитганман. Ҳаммаси бир хил, лекин, барибир қизиқарли. Кексайиб қолгани учун баъзида айтаётган ҳикоясининг давомини эсдан чиқариб қўяди. Мен атайлаб ўзимни билмаганга олиб, унинг нима билан тугаганини сўрайвераман. Бобом ўйлай-ўйлай, бир амаллаб калаванинг учини топади-да, тағин сўзлай бошлайди.

— Бобо, ҳар тоғда биттадан бургут яшайдими?

— Йўқ, улар кўп бўлади. Илгари бизнинг тоғларда ҳам ҳозиргидек битта эмас, уч-тўрттаси учиб юрарди. Кейин одамлар уларни овлашди. Ҳайвонот боғига деб опкетишди, циркка деб опкетишди. Хуллас, бургутлар наслидан фақатгина шу Мағрур қолди.

Бобомнинг ғамгин тортиб қолиши менга ёқмади, уни чалғитишга уриндим.

— Бургутнинг ини қаерда, бобо? — Бобом қўл силтади.

— Билмайман. Ҳеч ким билмайди.

— Инини топишни хоҳлармидингиз?

Бобом оғир хўрсиниб қўйди:

— Эсимни таниганимдан бери армоним шу. Отам раҳматли биларди. Лекин айтмасди. Неча марта сўраганман ҳам.

— Нимага унақа қилганлар?

— Одамлар ғалати-да. Кимнинг бургути бўлса, ўша омадли эмиш. Бургутнинг инини отамдан кимлар сўрамади дейсан? Лекин ҳеч кимга айтмади. Эҳ-ҳе, қанча бургут овлари уюштирилган... Уларни худди чумчуқдек отганларини кўрганман. Ерга қулаганда ҳам то жон бермагунича ҳеч кимни ёнига яқинлаштирмасди.

Кун тушдан оға бошлаганда бургут ғойиб бўлди. Осмон булутлашиб, ҳаво айниётганди.

— Жала ёғадиганга ўхшайди. Қўйлар чақмоқдан ҳуркиб кетмасин, қишлоққа қайтамиз, — деди бобом.

Биз қанчалик шошилмайлик, барибир, улгуролмадик. Чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбурлай бошлади. Ёмғир шаррос қуйиб юборди. Сурувни ҳайдаб келарканмиз, қўрага яқин қолганда йигирматача эчкининг йўқлигини пайқадик.

— Ўтлаб кетибди-да жониворлар. Ҳали яйловдан узоққа кетмаган. Мен излаб келаман, — дея ортига қайтди бобом.

— Мен ҳам борай.

— Йўқ. Сен қолганларини олиб кетавер. Тағин улар ҳам ҳуркиб кетмасин...

Қўйларни қўрага қамаб бўлганимизда атроф қоронғулашиб қолди. Ёмғир кучайди. Аммо бобомдан ҳалиям дарак йўқ. Хавотир ола бошладик. Изғирин бошланган, бобомнинг эгнида эса енгил яктакдан бошқа нарса йўқ. Отам ва акаларим яйловни неча марта айланиб, бобомни тополмай келишди. Отам нима қиларини билмай, қишлоқнинг бақувват икки йигитини олиб, дара томонни излаб келишга шайланаётган ҳам эдики, кўча бошидан эчкиларнинг маърагани эшитилди.

Бобомнинг аҳволига қараб бўлмасди. Совуқдан кўкарган лаблари пир-пир учарди. Аммо негадир яктагини ечиб, қўлига олган, уни ёмғирдан кафтлари билан тўсарди.

Хавотирдан юраги ёрилаёзган отам бобомга қараб бақириб юборди:

— Ота, улоқиб кетмайдими ўша эчкилар. Шундай ҳавода излаб зарилмиди?

Бобом ҳеч кимга эътибор бермай, қўлидаги нарсага меҳр билан тикиларкан:

— Мен Мағрурнинг инини кўрдим. Қора чўққида экан. Уни қандай усталик билан қурганини кўрсанг эди! — деди.

Мағрурнинг номини эшитиб, ҳамма бобомга "ялт" этиб қаради.

— У иккитагина болалабди. Ўзи шунақа, насли тозаси кам урчийди.

Бобом яктагини авайлаб очди. Орасидан товуқдан сал кичикроқ бургут боласи чиқди. У ҳали учолмасди. Фақат қанотларини питирлатарди, холос.

— Бургут боласи-ку, — отам унинг тумшуғини силади.

Бургутча тўсатдан отамнинг бармоғини чўқиб олди.

— Кўрдингми, бу Мағрурнинг авлоди. Ҳақиқий тоғ бургути, — деди бобом чўчиб қўлини тортиб олган отамга.

Сўнг патлари ҳурпайган полапончани силаб қўйди.

— Эчкиларни қидириб юрганимда кўриб қолдим. Бахтимга Мағрур сезмади.

Шу куни бобом кийимларини алмаштиргач, жуда чарчаган эканми, қаттиқ ухлаб қолди.

* * *

Эрталаб барвақт уйғондим. Деразадан қараганимда бобом ҳовлида осмонга тикилиб, у ёқдан-бу ёққа юрарди. Унга яқинлашиб, осмонга қарасам, уйимиз устида Мағрур учиб юрибди! Лекин нимадандир безовталангандек ҳар замонда қанот қоқиб қўяди.

— Билибдими? — дедим хавотирланиб.

— Ҳа. Жонивор жуда сезгир бўлади-да, — деди бобом осмондан кўз узмай, — Аммо полапонини бермайман. Қариганимда, Худо менга бургут ато қилди. Уни Мағрурдек вояга етказаман... Бобом қандайдир қайсарлик билан сўзларди. Сўнг осмонга қараб гапида давом этди: — Ҳозирча сен нариги болангни катта қил. Бунисидан хавотирланма, уни асрашга сўз бераман, Мағрур!

— Бобо, нимага иккита боласини ҳам олмадингиз?

— Қўрқдим, болам. Агар икковини ҳам олиб келганимда, Мағрур бизни тинч қўймасди. Ҳозир қолган битта боласи учун ўзини ўтга-чўққа урмайди. Лекин, қара, шундаям топиб келибди.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Полапонга яхши шароит яратиб бердик. Каттароқ қафасга солдик. Бургутча ҳам анча ўсди. Қафас торлик қилгач, каттароғини ясаттирдик. Лекин бобом уни ташқарига кам олиб чиқарди. Мағрурдан қўрқарди. Мағрур бўлса тепамизда айланишни бирор кун канда қилмасди. Ора-сирада жуда қўрқинчли қичқириб қўярди. Унинг овозида бургутга хос ваҳмли қудрат аралаш ожизгина она алласига ўхшаш мунг ҳам бор эди. Бобом Мағрурнинг боласига "Буюк" деб ном қўйди. У онасига қуйиб қўйгандек ўхшар, фақат жуссаси ҳали кичкина эди.

Бир куни отам билан амаким Буюкни ташқарига олиб чиқишди. Бобомдан очиқ ҳавода бироз турсин, деб рухсат олишганди. Бу ҳар кунги одат бўлганидан бобом рози бўлди. Орадан бир оз ўтиб, ҳовлига чиқдим. Ва ҳайрон қолдим. Ҳовли ўртасида қафас ёлғиз турарди. Катталар уни унутибди чоғи. Мен ичкарига киритиб қўйиш учун қафас томонга юрдим. Аммо кимнингдир қўллари мени қўйиб юбормади. Ўгирилиб қарасам, амаким. У кўрсаткич бармоғини лаби устига қўйиб, "жим" ишорасини қилди. Тушунмасам-да, жим бўлдим. Шу пайт осмондан шиддат билан пастлаётган қора кўланкага кўзим тушди. Аввалига нималигини илғамадим. Бироқ кейин... У Мағрур эди. Сездим, у боласини олиб кетмоқчи. Барчаси тез содир бўлаётганди. Она бургут қафасга панжа урди. Буюк кетди, деб ўйладим. Лекин бундай бўлмади. Мағрур энди кўтарилганида устига қаердандир тўр тушди. Бургут ерга қуламади, куч билан юқорилай бошлади. Қарасам, тўрнинг бир учи отамнинг, бир учи аллакимнинг қўлида, Она бургут Буюкнинг қафасини чангаллаганча қанот қоқар, устидан зилдай босиб турган тўрдан қутилиб кетишни истарди. Ўзини чарчагандай кўрсатиб, бироз пастлар, ерга етай деганида, яна зўр бериб қанот қоқарди. У таслим бўлмоқчи эмас. Мен бу ҳолатдан карахт бўлиб қолгандим. Мағрур аянчли қичқирди. Ҳеч қандай ёрдам йўқлигини билса-да, у нимагадир илтижо қилди. Ярим соатлар чамаси, давом этган олишувдан сўнг Она бургут гурсиллаб ерга қулади.

— Бобо, бобожон, Мағрур... — деганча мен ичкарига югурдим.

Ухлаётган бобом чўчиб кўзларини очди. Мен қўлларидан тортиб ташқарига имладим. У киши мункиллаб югурди. Ташқарида тўрга ўралиб, аянчли аҳволда ётган Мағрурни кўриб, бўшашганича деворга суяниб қолди. Қўрқиб кетдим.

— Ота!

Отам эшитмади. Қаттиқроқ бақирдим.

— Ота, қаранг! Бобом...

Отам ва амаким қилаётган ишларини ташлаб, биз томон югуришди.

— Ота, хавотирланманг, Мағрур тирик, — деди амаким кела-кела.

— Аҳмоқ, ...

Бобом амакимга нафратланиб қаради.

Сўнг нафаси тиқилиб, гапиролмай қолди. Оғзига сув томизиб, ўзига келтиришди. Бобом мазаси бўлмай ётиб қолди. Отам ва амаким "Мағрурни қўйиб юбордик", деб уни алдашди. Аслида, уни катта қафасга солиб, амакимникига олиб кетишганини биламан. Лекин бобомга айтолмайман. Чунки шундоғам оғир аҳволи баттар ёмонлашади. Унинг Мағрурни қанчалар яхши кўришини биламан. Ҳатто баъзан бобом ва бургутнинг умри бир-бирига боғлиқдай туюлади. Доим Мағрур бобомники бўлишини орзу қилардим. Энди у ёнимизда, аммо бу ғолиблик менга татимаяпти. Ундан кўра осмонда учиб юргани яхшироқ эди. Булутлардан ҳам баланд, ҳеч кимнинг қўли етмайдиган юксакликда.

— Деразадан қара-чи, бургут осмондами?

Бобом тўшакдан туролмаётгани учун мендан илтимос қилди. Юрагим ачишиб кетди. Осмонда ҳеч қандай бургут йўқ, бўлмайди ҳам. Ҳозир Мағрур темир қафасда, маъюс кўзларини чўққилар томон қадаб ўтирибди.

— Ҳа, ана. Учишини кўряпсизми, бобо? Авалгидек жуда баландда. Кўзга аранг чалинади.

Бобом мийиғида кулиб қўйди:

— Ярамаслар...

Бироз жимликдан кейин айтган гапи шу бўлди.

— Дунёда одамзоддан чиркини йўқ. Жониворни оналик меҳридан фойдаланиб қўлга олишдия?.. Мағрурнинг айби она бўлганими? У фарзандини қутқармоқчи эди. Улар шундан фойдаланишди. Агар Мағрур она бўлмаганида, одамлар уни ҳеч қачон тутишолмасди.

Бобом кўзларига ёш олди. Мен ҳам йиғлаб юборишдан ўзимни зўрға тийдим. Барибир, осмонда Мағрур учмаётганини ва ҳеч қачон учмаслигини бобом билибди.

— Уни қутқараман, қафасидан озод қиламан... — дея пичирладимда, хонадан чиқиб кетдим.

Шу кетишда амакимникига йўл олдим. Мағрурни тутиб олишганига бир ҳафтадан ошди. Лекин у оғзига бир қултум ҳам сув олгани йўқ. Озганидан патлари ҳурпайиб қолган. Қафасида қилт этмай ўтиради. Аҳволи оғир, шекилли, оғзидан сув оқиб турарди. Қишлоқнинг мол дўхтири уни ўлади, деди.

— Эсиз, шу савилни қанча куч сарфлаб тутибмиз. Шуни деб отамиз бизни ёмон кўриб қолди, — дер эди отам.

— Нимасини айтасиз, ака. Мағрур эмиш!.. — деди амаким жаҳлланиб. — Жунжикиб ўтиришини қаранг!

Улар бургутни ташқарига, очиқ ҳавога олиб чиқиб қўйишди.

Мен эса бир чеккадан уни чорасизгина кузатдим: у чиндан ҳам ўлса керак. Чунки жуда кичрайиб қолган. Кўрган одам уни бир ҳафта аввалги Мағрур эканига ишонмайди. Мағрур сўниқ кўзларини йироқларга — қорли чўққилар томонга қадади. Мажолсизгина узун қанотларини ёйди. Қанотлар қафасга сиғмади. Ҳатто ўзи хоҳлаганидек, баралла қанот ёзолмади бечора. У қафасда қанот ёзишнинг имкони йўқлигини билса-да, силкитишдан тўхтамасди. Назаримда у сал жонлангандек бўлди. Тоза ҳаводан куч олаётганга ўхшарди. Мункайиб қолган гавдаси яна ғолибларга хос керилди. Бир ҳафтадан бери туз тотмаган қушга қаердан куч ёғилиб келаётганини тушунмасдим. Бургут кўз олдимда ҳавога кўтарила бошлади. Ҳа, қафас ичида қанот қоққанча, қафасни кўтариб уча бошлади. Анграйиб қолавердим. Бургут тобора баландлаб мендан олислаб борарди. Бирданига эҳ деб юбордим. Эшигини очиб юборсам бўларди-ку, энди нима бўлади?.. Унга қанчалар оғир, бир томондан мажолсиз, иккинчидан эркин қанот қоқолмайди, бунинг устига зил-замбил қафасни кўтариб учишга мажбур. Лекин у буни уддалади. Булутларга қадар кўтарилди. Шунчасини уддалаган бу ёвқур қушнинг қафасдан қутулиб кетишига ишонардим. Қўлларимни пешонамга соябон қилиб, кўкка тикилдим. Мағрур яна доимгидек қора нуқтага айланган эди. Қуёшнинг заррин нурларидан кўзларим қамашиб қолди. Кўзим ёшланиб кетаётган бўлса-да, Мағрурни илғашга ҳаракат қилдим. Чунки унинг яна осмонда эканидан қувонардим.

— Энди осмонингдан тушма, Мағрур!

Турган жойимда сакраб, қўлларимни силкитдим.

Аммо кутилмаганда ҳаммаси ўзгариб кетди. У қанча қийналиб баландлаган бўлса, шунчалик тез пастлади.

— Наҳотки у қулаётган бўлса?! Йўқ, бўлиши мумкин эмас! Йўқ...

Шиддат билан пастлаётган қафасни мўлжал олиб югурдим. Аммо улгурмадим. Қафас катта бир харсангга урилиб, парчаланиб кетди. Шундай кўз ўнгимда, мендан уч-тўрт қадам нарида юз берди бу ҳалокат...

Мажолсизланиб ерга чўккаладим. Карахт эдим. Шу пайт елкамда кимнингдир кафтини ҳис этиб, ортимга қарадим. Бобом... Унинг бағрига ўзимни ташлаб ҳўнграб юбордим.

Бобом юпатди.

— Йиғлама, болам. У ўзига муносиб ўлим топди. У енгилмади.

Унсиз ортга қайтдик.

— Хафа бўлма, болам. Буюк бургут авлодидан битта насл қолган. Энди осмонга у ҳукмронлик қилади, — деди бобом йўлда кетарканмиз.

— Буюкни айтяпсизми?

Бобом бош ирғади.

— Иккита, денг... Тоғда қолган полапонча-чи?

Бобом хўрсинди:

— Сен Буюкка қара. У бировнинг ёрдамисиз мустақил ов қилолмайди. Тоғдаги полапон ҳам у тенги. Онаси бир ҳафтадан зиёд тутқунликда қолиб кетди. Иккинчи боласини бирор нарса еб кетган ёки очликдан ўлиб қолгандир...

Қаранг, шунга ақлим етмабди. Демак, Мағрурнинг иккинчи зурриёди ҳам...

— Гапинг тўғрига ўхшайди, болам. Ҳар бир тоғда биттадан ҳукмдор бўлгани яхши. Биз Буюкни учишга ўргатишимиз керак. Энди уни олиб кетадиган онаси йўқ. Бемалол ўргатаверамиз.

— Учишни яхши ўрганиб, кетиб қолса-чи?

— Бургутларнинг ҳақиқий макони тоғлар, осмон, чўққилар. Кетиши аниқ. Лекин, барибир, у бизнинг бургут. Мағрур ва унинг бир полапони менинг айбим билан ҳалок бўлди. Лекин худо шоҳид, мен буни истамаган эдим.

Уйга етиб келган заҳоти Буюкни ташқарига олиб чиқиб, қафасни очдик. Ҳозир Буюк питирлаб чиқади-да, осмонга парвоз қилади, деб ўйладим. Қафасни очгач, дарахт соясида кузатиб ўтирган бобомнинг ёнига бориб чўкдим. Аммо Буюк қафасдан чиқишни хаёлига ҳам келтирмасди. Ҳайрон бўлдим. Бориб уни ушлаб ташқарига чиқардим. Қўлимга олиб, оҳистагина осмонга отдим. У қанотларини питирлатганча ерга қайтиб тушди. Бир неча марта буни такрорладим, лекин ҳар гал шундай бўлди.

Бобом мени ёнига имлади:

— Уни ўз ҳолига қўй. Бироз атрофни ўргансин, кейин уча бошлайди.

Буюк эса лапанглаб у ёқ-бу ёққа юрди. Ўткир тумшуғи билан ўтларни чўқилаб кўрди. Қизиқсиниб атрофга қаради-ю, яна ортига қайтди ва жимгина қафасга кириб кетди.

Бобом иккимиз ҳангу мангмиз. Тўсатдан бобом бўшашиб, ерга чўккалади. Кўзларини Буюкдан узмай, ўкириб йиғлаб юборди:

— Мен қари аҳмоқман. Мен хато қилиб қўйдим. Мағрур бургут наслини вояга етказмоқчи эдим. Аммо унинг авлодини эмас, итоаткор қулни ўстирибман. Буюк бургут наслига мен қирон келтирдим...

Ҳозиргача тоғлардаги ўктам бургутдан битта бўлса ҳам қолган, деб ўйлаган эдим. Бироқ Буюкнинг қафасда бизга ҳайрон тикилиб турганини кўриб, улар тамом бўлганини англадим. Бобомдек ўкириб юбормаган бўлсам-да, юрагим қаттиқ ўртанарди.

Муяссар ТИЛОВОВА

# ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАР

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандалари, Ёзувчилар уюшмаси аъзолари — ёзувчи ва шоирлар, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси актёр ва актрисалари республикамиз бўйлаб фермерлар ва дала меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатяптилар. Жумладан, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Махсет Утемуратов ва «Ниҳол» мукофоти совриндори Гулноз Утепова Қорақалпоғистон Республикаси, хонанда Ўлмас Оллоберганов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Самандар Ҳамроқулов ҳамда «Ниҳол» мукофоти совриндори Малика Эгамбердиева, ака-ука Яҳёбек ва Муҳсимбек Мўминовлар Поп тумани меҳнаткашларига дилтортар қўшиқларини туҳфа этишди. Фарғона вилоятининг Данғара ва Учкўприк туманларида «Ниҳол» мукофоти совриндори Зиёда Қобулова иштирокида учрашув концертлари намойиш этилди.

Сирдарё вилояти бўйлаб хизмат сафарига йўл олган «Ниҳол» мукофоти совриндори Фирдавс Пазлетдинов, хонандалар Ойбек Ҳамроқулов ва Ирода Аллаберганова пахтакорларга ўз репертуаридаги қўшиқларини туҳфа этиб қайтишди. Шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Нишон Отамуродов Бухоро вилоятининг Когон тумани, Аваз Олимов Жиззах вилояти, Гулсанам Мамазоитова, Илҳом Фармоновлар Самарқанд вилояти, Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхонова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Сайёра Қозиева ва Одил Шомуродов Сурхондарё вилояти бўйлаб ижодий учрашувларда иштирок этишди.

Бундай тадбирлар Тошкент вилоятида ҳам ўзгача шукуҳда ўтди. Ўрта Чирчиқ туманида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Собиржон Мўминов, Тошпўлат Маткаримов, Дилноза Исмияминова, хонанда Дилдора Ниёзованинг дилга яқин қўшиқлари пахта меҳнаткашларини хушнуд этди. Октябр ойи дастлабки санасида Тошкент вилояти бўйлаб Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳир Қўзиев ва «Сато» гуруҳи дала меҳнаткашлари хизматида бўлди.

Шунингдек, халқимизнинг севимли хонандаси Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков Андижон вилояти бўйлаб концерт дастурларини намойиш этди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламлари кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд.
тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz ; e-mail: oao@post.uz

Учрашув

# Ғиёс БОЙТОЕВ: Қўшиқ — ҳаётимнинг маъноси

Бошланиши биринчи саҳифада

*Истараси иссиқ, ёқимтой, овози майин ва ширали бу санъаткор бундан йигирма беш йиллар илгари "Умидим", "Турналар", "Шириним", "Меҳр қолур, муҳаббат қолур" каби қўшиқларни куйлаб катта саҳнага кириб келганди. Кейинроқ "Тегирмоннинг чархпалаги", "Санамгина", "Она йиғлар", "Кўкламойим", "Айланайин", "Юрак", "Эслатар", "Гул билан", "Ўйнанг" каби дилтортар тароналари билан мухлислар қалбидан мустаҳкам жой олган Ғиёс Бойтоев репертуарида бугун уч юздан ортиқ қўшиқ бор.*

*Хонандага дастлабки саволимиз санъаткор шахси, унинг халқ олдидаги бурч ва мажбурияти ҳақида бўлади.*

— Аввало шуни айтишим керакки, санъаткор мартабаси ҳар қандай ижодкорга — у актёрми, рассомми, ҳунармандми ёки хонанда — катта масъулият юклайди, — дейди Ғиёс Бойтоев. — Ҳаммага маълум бўлса ҳам айтаман: санъаткор ўз халқининг, миллатининг юзи. Дунё унинг тимсолида ўша халқнинг санъатидан, турмуш-турмушидан, орзу-ўйларидан, қувончу ташвишларидан хабардор бўлади.

Ўзимизнинг халқимиз ҳам, айниқса, ёшларимиз санъаткордан андоза, ибрат олади. Санъат аҳли, хусусан хонандалар истаса-истамаса тарбиячи вазифасини бажаради. Эътибор берсангиз, аксарият ёшлар қайсидир хонанданинг қўшиқларини (савиясидан қатъи назар) куйлаб юришади, ўзини тутишига, қиёфасига, гап-сўзларига тақлид қилишади. Демак, биз зиммамиздаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда ижод қилишимиз, саёз, пала-партиш матнларни куйлашдан, миллий менталитетимизга мос келмаган хатти-ҳаракатлар қилишдан тийилишимиз лозим бўлади.

Албатта, эндигина ижод оламига кириб келаётган ёш ижодкорлар масъулият юкини ҳис қилмасликлари мумкин. Ўзимиз ҳам ижоднинг паст-баландини устозлар ёрдамида тушунганмиз. Уларнинг панд-насиҳатларига, ўгитларига қулоқ тутиб, айтганларини қилиб кам бўлаётганимиз йўқ. Тажриба йиллар давомида йиғилади, дейишади-ку. "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар" деган гап бекорга айтилмаган. Устозлар кўчасидан ўтмаганлар ҳам бир куни боши бориб деворга урилганда ҳақиқатни тушуниб етади.

Тўғрисини айтсам, бирдан кўтар-кўтар қилиб, машҳур бўлиб кетгандан кўра, дакки еб, гап эшитиб, қоқилиб-сурилиб, буларнинг баридан тўғри хулоса чиқарганлар анча узоққа боради.

**— Ғиёсжон, қўшиқ халқ учун, мухлис учун яратилади. Шундай экан, хонанда ана шуларнинг эҳтиёжидан, талаб ва таклифларидан келиб чиқиб ижод қилиши керак эмасми?**

— Албатта, қўшиқ халқ учун айтилади. Лекин, тўғрисини айтсам, мен дастлаб ўзим учун куйлаганман. Яъни "Мен ҳам қўшиқ айта оламанми? Одамлар айтганларимни эшитишармикан?" деган хавотир бўлган. Секин-секин кўрдимки, айтганларим одамларга маъқул бўла бошлади. Бу эса менга қанот берди, ижодга, янги-янги қўшиқлар яратишга ундади. Шундай қилиб, мухлислар орттирдим. "Бўлди, бутунлай қўшиқ оламида қолдим, бундан буён ҳаётимнинг маъноси қўшиқ санъати" деган қарорга келганимга эса чамаси ўн йиллар бўлди.

Агар санъат оламида бирор нимага эришган, эътироф этилган бўлсак, бунинг учун халқимизга раҳмат айтишимиз керак. Халқимизнинг бизга бераётган обрў-эътиборига шукр. Эшитган бўлсангиз, "Санъаткорни ардоқлаган халқимга раҳмат" деган қўшиғим ҳам бор.

Шуни айтиб қўйишим керакки, ҳозир ҳам баъзида ўзим айтиб, ўзим эшитаман. Бу менга ҳар томонлама мадад беради.

**— Репертуарингизни қандай шакллантирасиз? Қайси шоирлар билан ижодий ҳамкорлик қиласиз?**

— Қўшиқларим шеърини, албатта, ўзим танлайман. Шеърий тўпламларни, матбуотни кўздан кечириб бораман. Баъзан шоирларга фикр, ғоя бераман, айтмоқчи бўлган қўшиғим моҳиятини тушунтираман. Шу тарзда яратилган яхши қўшиқларим ҳам оз эмас. Ижодимни бошлаганимда Эркин Воҳидов, Чустий ижодига мурожаат қилганман. Бу шоирларнинг ғазаллари кишини беихтиёр куйлатиб юборади. Шоирлар Муҳаммад Юсуф, Шавкат Раҳмон, Сирожиддин Саййид, Эшқобил Шукур шеърларини севиб мутолаа қиламан. Сўнгги вақтларда Замира Рўзиева, Сайёра Тўйчиева, Дилмурод Қосим, Садоий, Абдужалил Раҳматов, Илҳом Ҳамро, Аҳад Қаюм, Рислиғой Ҳотамова каби шоирлар билан ҳамкорлик қиляпман. Матнлар мавзули, хулосали, фикрли бўлишига алоҳида эътибор бераман.

Қўшиқларимнинг тайёр бўлиш муддати турлича. Баъзан битта қўшиқ тайёрланиши учун бир йил вақт кетади.

Концерт репертуаримни ҳар сафар жиддий кўриб чиқаман. Дастурим, албатта, Ватан ҳақидаги қўшиқ билан очилади. Кейин умр, вақт, ўзаро инсоний муносабатлар, муҳаббат ҳақида қўшиқлар кетади. Сўнгра шўх қўшиқларга навбат келади. Охирида яна жиддий, шукрона таронага қайтаман. Хонанда саҳнада мухлис билан якка қолдими, унга айтадиган ўз сўзи бўлиши керак. Шунинг учун баъзан бир, баъзан икки йилда якка концертимни тақдим этаман. Мухлислар билан юзма-юз учрашувни 3-4 кундан оширмасликка ҳаракат қиламан.

**— Айтганча, бу йилги яккахон концертингизда фонограммадан фойдаланмабсиз, фақат жонли ижро этибсиз...**

— Концертларимда асосан жонли ижро бўлади. Фонограмма қилмаганман. Тўйларда ҳам ҳеч қачон фонограммадан фойдаланмайман. Буни мақтаниш учун айтаётганим йўқ. Табиатим ўзи шунақа. Ижрода бироз камчилик, ғализликлар учраса ҳам жонли ижрони ёқтираман. Назаримда, худди шу нарса хонандани ўзини назорат қилиб туришга, ижодига танқидий муносабатда бўлишга ўргатади. Чунки сиз жонли ижрода ҳар сафар овоз имкониятларингизни кузатиш, чамалаб кўриш имконига эга бўласиз.

Айни кунларда эса қўшиқларимни синтез қилиб, жонли ижродагиларни фонограмма қилиш устида ишлаяпман. Радио-телевидениега бермоқчиман.

**— Устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз. Ҳозирги кунда тажрибали санъаткор сифатида ўзингиз ҳам шогирдлар тайёрлаётган бўлсангиз керак?**

— Ҳар бир касбда, албатта, устоз бўлади. Санъатда эса, устозсиз тўғри йўлга тушиб олиш жуда қийин. Менинг илк устозим — акам Аваз Бойтоев. Акам армиядан қайтгандан кейин қўлига соз олиб ашула айтарди. Жуда яхши куйларди. Мен эса акамга ҳавас қилардим. Ўзимча унинг қўшиқларини айтиб юрардим. Кейин акам айтаётган қўшиқлар шеърини олиб, ўзимча қўшиқлар ёзганман. Шу тариқа аста-секин санъат оламига кириб келдим. Мендан олдин қўшиқ санъатига кириб келиб, ўз йўлини, ижро усулини топган, халқ эъзозига сазовор бўлиб келаётган ҳар бир хонандани устоз, деб биламан.

Тўйларда ҳам устозларимизнинг ҳурматини жойига қўйишга, дилларига озор етказмасликка ҳаракат қиламан. Афсуски, баъзи ижрочилар тўйларда устозлар олдида ножўя хатти-ҳаракатлар қилишдан, уларга беписанд муносабатда бўлишдан уялмасликлари дилимни ранжитади. Ахир, ҳеч ким ёшлигича қолмайди-ку. Эртага уларнинг ўзлари ҳам худди шу устозлар ёшига етадилар. Бу ҳақда ҳозирдан ўйласак, ёмон бўлмасди.

Ҳозир бир иш бошлаганман. Устозлар ва шогирдларни бир даврага йиғиб, учрашувлар ташкил этяпман. Мулоқотни "Меҳрли бўлайлик" деб номладик. Даврада яхши қўшиқлар куйланади, ибратли воқеалар ҳақида гап боради. Менимча, учрашувларимиз фойдали бўляпти. Ўзимни устоз даражасига етганман, деб айтолмайман-у, лекин ижодимга ҳавас қилиб, ўзини менга шогирт тутаётганлар йўқ эмас.

**— Янглишмасам, Сиз билан таҳририятдаги илк учрашувимизга йигирма йилдан ошиб кетди. Ўтган давр мобайнида газетамизга муносабатингиз қандай бўлди. Умуман, даврий нашрларга муносабатингиз қандай?**

— Шуни айтишим керакки, барча газеталарга ва журналистларга ҳурмат билан қарайман. Қайси нашрдан бўлмасин, бирор савол билан мурожаат қилишса, жавобсиз қолдирмасликка ҳаракат қиламан. Лекин, очиғи, бачкана, оилавий ҳаётга тегишли илмоқли саволларни ёқтирмайман ва иложи борича жавоб бермайман. Агар ўзим ҳақимда ёки менинг тилимдан бирор нарса кетаётган бўлса, албатта, чоп этилмасдан олдин ўқийман.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"га келсак, бу республикамиз маданий-маънавий ҳаётини ёритувчи энг жиддий газета деб ҳисоблайман. Шунинг учун газетани мунтазам кузатиб боришга ҳаракат қиламан. Унда адабиёт ва санъатнинг барча йўналишларида кечаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида яхши таҳлилий мақолалар, суҳбатлар берилади. Биз хонандалар учун яна муҳим томони газетада турли шоирларнинг сараланган шеърлари бериб борилишидир. Менимча, ҳар бир қўшиқчи шеърий саҳифадан ўзига зарур нарсани топса бўлади.

Умуман, бу газетани зиёлилар, шоир-ёзувчилар, санъат аҳли, айниқса, талаба ёшлар учун зарур нашрлардан бири деб ҳисоблайман.

**— Газетамизга эътиборингиз ва мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Гулчеҳра УМАРОВА**

# БАХШИЛАР БЕЛЛАШУВИ



Қорақалпоғистонда "Баркамол авлод" йилига бағишлаб халқ бахшиларининг республика танлови ўтказилди. Бир ой давом этган танловда 24 ёш бахши қатнашди. Танлов шартига кўра улар достонлардан парчалар ва иккитатадан қўшиқ ижро этиши белгиланган эди. Ҳар ҳафта номзодлар телевидение орқали ўз достонларини ижро этдилар.

Танловда иштирок этган бахшиларнинг деярли ҳаммаси Жапақ Шомуротов номидаги коллежнинг фолклор бўлими бахшичилик йўналишида таҳсил олган ва ҳозир ўқиётган ёшлардан иборат.

Иштирокчиларнинг кўпчилиги ўз касби бўйича олий ўқув юртларида билим ва малакаларини ошираётган бўлса, баъзилари институт ва коллежларда, турли маданият масканларида ёшларга сабоқ бериб келмоқда. Танлов натижасига кўра Ажиниёз номидаги педагогика институти талабаси Гулистон Темирхонова, туман маданият масканида иш бошлаган Лаура Бекбосинова, "Муқаллес" фолклор ансамблининг созанда ва бахшиси Носир Нуратдинов учинчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Санъат институти катта ўқитувчиси Рашид Уснатов ҳамда Қорақалпоқ давлат университети магистранти Гулбаҳор Ақимбетовага насиб этди.

Нукус шаҳридан "Муқаллес" фолклор ансамблида бахши бўлиб ишлаётган Гулнора Аллъмбергенова биринчи ўринни эгаллади.

# СЎЗ УСТАСИ ҲАҚИДА

Доимий ҳамроҳ

Кўп тармоқли ўзбек театри тарихида бадиий сўз санъати алоҳида ўрин тутади. Бизда қадимдан ривожланиб келган бу санъат тури замонавий тилда "Бир актёр театри" деб аталади. Шу вақтга қадар бу соҳада бир қанча санъаткорлар ва сўз усталари фаолият юритган бўлсалар-да, улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳсин Ҳамидов бир актёр театрига касби ва профессионал маслаги деб қаради. Зеро, умрини бадиий сўз санъатига бағишлаган ягона профессионал санъаткор эди бу одам.




Ўзбекистон давлат Санъат институти томонидан ана шу устоз санъаткорга бағишланган "Муҳсин Ҳамидов бир актёр театри асосчиси" китоби чоп этилди. Унда санъаткорнинг Ҳамза номидаги (ҳозирги Ўзбек Миллий) академик драма театридаги фаолияти ҳамда "Бир актёр театри"ни яратиш йўлидаги изланиш ва муваффақиятлари очиб берилган.

Китоб санъатшунослик фанлари номзоди, марҳум Сотимхон Иномхўжаевнинг анчагина ҳажмдор "Бадиий сўз устаси" мақоласи билан очилади. Шунингдек, китобдан профессор Сотимбой Турсунбоевнинг "Китоб ҳақида сўз", академик Мамажон Раҳмоновнинг "М. Ҳамидовнинг бир актёр театри", шоир ва драматург Тұроб Тўланинг "Театр яратган актёр", атоқли санъаткор Зикир Муҳаммаджоновнинг "Сўз сеҳргари эди", ёш олима Гўзал Холиқулованинг "Ҳассос сўз устаси" каби мақолалари ўрин олган.

Саҳна санъати йўналишида таҳсил олувчи талабалар, нутқ маданияти ва бадиий ўқишга қизиқувчилар учун мўлжалланган мазкур рисолани санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Сотимбой Турсунбоев нашрга тайёрлаган.



# Либослар намойиши

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида "Кийиниш маданияти ҳафталиги" танлови бўлиб ўтди. Ҳафталик якунида либослар намойиши ўтказилди. Унда миллий, классик, оқшом ва авангард услубдаги либослар намойиш қилинади. Танлов олий мактаб қизларининг нафақат рақс санъатида, балки чеварлик ҳунарида ҳам иқтидорлари юксак эканини намоён этди.

Ўзбек миллий либосларимиз танловида қизлар атлас ва адрас матосидан турли бичимдаги кўйлакларни намойиш этдилар. Бу чиқишда қизларимизнинг ибоси, ҳаёси ва иффати янада ёрқинроқ кўзга ташланди. Авангард услубдаги либослар орқали ўқувчи-талабаларнинг янги ижодий қирралари очилди, десак муболаға бўлмайди. Нафақат либос, балки юз кўриниши ва соч турмаги, аксессуарлар ҳам ягона ғояга хизмат қилган.

Намойиш ғолиблар ҳамда фаол иштирокчиларни тақдирлаш маросими билан якунланди.

**Нигора ШАМСУДДИНОВА,**
**талаба**

***Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида таниқли рассом Ориф Муиновнинг "Аёл қалбига йўл" номли шахсий кўргазмаси очилди.***

Кўргазма залларида

# ЯНГИЧА ДАСТХАТ БИЛАН...

Ориф Муинов илк шахсий кўргазмасини 1980 йили пойтахтимиздаги "Илҳом" клубида очган эди. Шу муносабат билан "Ўзбекистон санъати" журналида берилган бир мақолада машҳур немис шоири ва мутафаккири Гётенинг



ушбу сўзлари келтирилган: "Олий даражага етишни ўзига мақсад қилиб олмаган, фақат яхши нарсаларгагина тақлид қилиш билан кифояланадиган ижодкор ўртамиёна бўлиб қолаверади. Чунки тақлидчи ўзининг тақлид объектидан ҳамиша бир поғона паст туради. Юксак мақсад эса санъатга суяниб, табиатга тақлид қилишдир. Бунга буюк ижодкорлар ижодини ўрганиш билан тайёргарлик кўриш керак". Менимча, рассом ўтган йиллар мобайнида ана шу сўзларни ўз ижодий фаолияти учун дастуриламал қилиб олди.

Шунинг учун ҳам, назаримда, унинг сўнгги йилларда яратган кўпчилик асарларида "санъатга суяниб, табиатга тақлид қилиш" ҳолатлари кўзга ташланади. Бунга эришиш учун, рассомнинг ўзи таъкидлаганидек, узоқ ва мунтазам изланишлар, ижодий сафарлару ранглар эврилишини қайта-қайта ҳис қилиш кўникмалари лозим бўлди.

Дарвоқе, биз сўз юритмоқчи бўлган асарлар худди ана шу ижодий сафарлар самараси ўлароқ туғилган. Гарчи, рассом бундан беш-ўн йиллар аввал Италияда, Иссиқкўл соҳилларида бўлиб, кўплаб яхши асарлар ишлаб келган бўлса-да, улар ҳали анъанавий ҳамда классик услуб тарзидан нарига ўтмаган, аммо келгуси асарлари учун бамисоли бир янги оролга ўтишга кўприк вазифасини ўтаган.

Хўш, рассомнинг 2009 ва 2010 йиллардаги ишларида қандай ижобий фазилатлар намоён бўлади? Янги ижодий босқичга кўтарилган рассомнинг Миср ва Сурхондарё мавзуидаги туркум асарлари шу жиҳатдан диққатга сазовор. Ижодий индивидуалликнинг пайдо бўлиши катта санъатга киришнинг биринчи шартидир. Менга қолса, бу асарларни рассомнинг рангин тушлари, деб шартли номлаган бўлар эдим.

Тўғри, тушлар узуқ-юлуқ, кези келганда, кишини ҳайратга соладиган даражада мантиқсиз ва кутилмаган ғаройиб воқеликларга бой бўлади. Худди шундай манзараларни санъатга суяниб, қайтадан кашф этиш рассомнинг асл муддаоси. У бунинг учун энг аввало ўзини тўлқинлантирган реал ҳаётдан олинган таассуротларнинг силсилали, кўп қатламли манзилини ташкил этади. Бундай композициялар тасвири бир қадар тушсимон, бир қадар реалликдан узоқдай туюлади.

Рассом ижодида ўзи сафар қилган Миср шаҳарлари ва қишлоқлари: Луксор, Қоҳира, Гиза каби жойларнинг фото тасмасидек аниқ макон ва манзарасини намойиш қилишни мақсад қилиб қўймаган. Муинов бу жойларда 2008 йил баҳорида йигирма кундан ортиқ сафарда бўлган эса-да, назарида бир умр излаб юрган рангларини шу ерда кўргандек бўлди. Бу қадимий заминда туғилган афсоналар, асотирлар ва ривоятлар, тарихий воқеалар бўлиб ўтган жойлар ва осори-атиқалардан рассом қаттиқ таъсирланди. Шу юртнинг Фалғари, Усама каби таниқли рассомлари хонадонларида бўлиши мисрликларнинг яшаш тарзи, бугунги оламини ҳис қилишда, англашда озми-кўпми, туртки берди. Айтайлик, қадимда мисрликларда қўнғиз муқаддас саналган ("Кузатувчилар"). Бахт келтирувчи мушук ("Оила қўриқчиси"), куч-қудрат рамзи бургут ("Буюк маликалар"), мангулик давоми сифатидаги хоч рамзи ("Подшоҳлар водийси") ва ҳоказоларда биз эхромларнинг улкан шакллари ва тасвирлари, баланд тепаликлар бағридаги чуқур сағаналар, мўмиёланган фиръавнлар, мисранг танали маҳаллий аҳолининг табиат қўйнидаги ҳолатларини тушсимон кўрамиз.

Рассом уларни қоралама сифатида чизиб олган бўлсада, картиналарида бевосита реал тасвирлаш йўлидан бормади. Унинг назарида, бу ўлка тушлар шаҳрига ўхшаб кўринди. Айтишларича, Нил октябр ойларида ҳаворанг тусга киради, февралда яшил гиёҳлардан баҳра олган дарё қирғоқлари ва ўзанлари мовий чизиқлар ҳосил қилади. Қуёшда қумтепалар олтин рангга киради, қуёш нурига чўмилган ерлар баъзан зар булутга ўхшаб кетади, гоҳо дурранг, марварид, кумуш ва зумрадга ўхшаб, илиқ рангларда товланади. Бундай тасвирлар "Эҳтиром", "Подшоҳлар водийси"да янада бўртиб кўринади.

Рассом бундай турфа илиқ рангларнинг мўъжизакор сокин ўйинларини 2009 йил декабр охирларида кутилмаганда, Сурхондарё заминида кўриб қолади. У гарчи Термиз ва Термиз атрофлари, Пайғамбар оролига 2005 йили келиб, суратлар чизиб кетган бўлса-да, нима учундир айнан илиқ рангларнинг сокин товланишларини пайқамаган экан. Балки, бунга сабаб баҳор эрта келадиган бу ўлкага бошқа фаслда борганлиги учундир. Нима бўлганда ҳам Аму бўйидаги шаҳар, эски шаҳар харобалари, мозийдан садо бериб тур-



ган Султон Саодат, Қирққиз, Термизий меъморий мажмуалари, хонақо ва чиллахоналар, Қоратепа буддавий ёдгорлиги, қадимги ипак йўлларидаги чексиз қумтепалару қалъалар қолдиқлари, Шеробод заминидаги оддий, бағрикенг инсонлар мулоқоти... буларнинг бари рассомга илҳом берди.

Бундай силсиласимон хотиралар тарзидаги услуб самарқандлик Аслиддин Исаевнинг 1980 йиллардаги ижодида бошланган эди.

Ориф Муиновда эса бундай тасвирлар, улардаги ранг ишлови, қоришмаси, жойлашиши ва композиция тартиби фақат ўзига хос дастхатда намоён бўлади. Зоҳиран мавжуд шакллар ички бир нур билан йўғрилгани боис, картина сатҳидаги шакллар шарпаси томошабин тасаввури билан тўқнашиб, латиф бўёқлар ёрдамида жонлана бошлайди. Рассом бунинг учун аввало томошабин нигоҳини бироз аниқ-тиниқ тасвирларга йўналтиради, шу аснода яширин шарпаларнинг сирли пардалари кўтарила бошлайди. Ҳаётнинг ўзи, унинг сокин қувончлари шу тарзда томошабин шуурига кириб боради.

Тўғри, бундай янгича ёндашувларда рассом назаридан қочган айрим фон ва шаклларда нимрангларнинг ўта заиф суртма эканлиги важидан композиция уйғунлиги бузилишига олиб келади. Бир қарашда тарқоқ туюлган бундай композицион ечимлар рассомнинг таққослаш орқали қурилган сюжети ва рангларнинг ички бир мулоқотга чорлаши туфайли ойдинлашади.

Ориф асарларида Макон ва Замон тушунчаси бир муддат тўхтаб қолади. Унинг қаҳрамонлари ("Буюк маликалар" асари) асрлар оша бир маконга жойлаштирилади, рассомнинг маҳорати ва қўйган мақсади туфайли уларнинг турли мамлакат ва турли замон одамлари эканлиги иккинчи даражага тушиб қолади. Рассом бундай тарихий портретлар ва картиналар яратар экан ("Искандар ва Рахшона", "Бобурнома" асарлари), уларда фожиалар ва уруш садоларини акс эттирмайди, балки инсоний фазилатлар безаб турган жозиба ва ақл-заковат тимсоллари, мардонаворлик, ғайрат ва илоҳий бир нур мужассамлашган сиймолар гавдалантирилади.. Кўпгина тарихий шахсларнинг таснифи маълум бир қадимий қўлёзма ва китобларда учрайди, баъзи бир миниатюраларда акс этган қиёфа тасвирларида дастгоҳли рангтасвир талаб этадиган унсурларни топиш мушкул. Ана шундай шароитда албатта, рассом тафаккури, мантиқий тахминлари ва тасвирланаётган даврга хос билим ва тушунчалари ишлаш жараёнида қўл келади. Бундай хусусиятлар пировард натижада рангтасвирнинг асосий мақсади бўлган гўзалликни, унинг жозибасини кўрсатишда ўзига хос омил бўлиб хизмат қилади.

Рассом тарихий, афсонавий ва замонавий қаҳрамонлар портретларини яратар экан, уларнинг ўзига хос дунёсини яратишда либосларга алоҳида эътибор беради. Либослар қаҳрамоннинг руҳий, маънавий-маданий дунёси унсурлари сифатида намоён бўлади. Бундай ҳолатда, айниқса, достонлар ва ривоятлар қаҳрамонларига, айтайлик, Алпомиш, Ойбарчин, Ўғизхоннинг онаси, Зардўшт, Тўмарис либосларини ишлаш бугунги кун рассоми учун мушкуллик туғдиради. Уларнинг либослари ҳақидаги маълумотлар деярли йўқ даражада. Яна тарихий ва қомусий китоблару улар ҳақидаги китоблардан келиб чиқади, таассуротларга суяниш ягона йўл бўлиб қолади.

Муинов сўнгги йилларда аллегорик метамарфозалар, гротесклардан кенг фойдаланмоқда. "Учаётган ҳовлилар", «Шоҳизиндадаги руҳлар" каби асарларида мистик оламни англашга уриниш орқали ижтимоий-фалсафий вазифа ва муаммоларни ўртага ташлайди. Шаҳар унинг учун шунчаки яшайдиган макон эмас, балки тирик организм. Унга нисбатан шундай муносабатда бўлиш кераклигини рассом томошабинга етказмоқчи бўлади. Рассом 2005 йили "Сурхондарё гўзаллари" деб аталган асар яратган эди. Унда реал тасвирларга, рангларга бой аёллар олами бор, Ориф бу мавзуни давом эттирди, 2009 йилдаги ижодий сафар таассуротлари асосида "Шеробод таассуротлари" деб аталган янги ишини яратди.

Ориф Муиновнинг тарихий асарлари билан бир қаторда замонавий руҳдаги хоҳ жанрли, хоҳ маиший мавзудаги асари бўлсин, бевосита ўтмиш билан боғлиқ унсурларни кўриш мумкин. Муаллиф "Тўй", "Қаландар туши", "Шеробод таассуротлари", "Сурхондарё гўзаллари", "Ўтмиш билан учрашув" каби асарларида тарихий хотиранинг нечоғлик бугунги кунда зарурат ва эҳтиёжга айланганини таъкидлайди.

Рассом шаффоф ва латиф, юмшоқ ва ним ранглар орқали янгича бир дастхат яратиш йўлидан борар экан ("Бинафша портрети", "Мангулик" ва бошқалар), маълум маънода рангтасвир ечимида ажойиб топилмаларга томон яқинлашгани айни ҳақиқат. Албатта, бу йўлнинг тўла афзаллик томонларини намоён этишга улгурганича йўқ. Зеро, бундай натижа бирданига рўй бермайди, изланиш жараёнлари йиллаб чўзилиши табиий эканлигини рассом яхши англайди. Санъат тарихида бунга мисоллар жуда кўп. Япониялик буюк рассом Хокусай тўқсонга яқинлашаётган бир пайтда "Мен рангтасвирни энди тушуна бошладим", деб бекорга хитоб қилмаган.

**Нодир НОРМАТОВ**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz

